**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Тут ипак қурти уруғини инфекцион касалликлардан зарарсизлантириш учун янги комплекс препаратини яратиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Тут ипак қурти уруғини инфекцион касалликлардан зарарсизлантириш учун янги комплекс препаратини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>-тут ипак қурти касалликларига қарши энг самарадор фармацевтик дори воситалари танлаб олинади;<br>- уларни ҳар хил концентрация ва комбинацияларда уруғга ишлов бериш орқали синаб кўрилади;<br>- препаратларни тухумларни жонланишига таъсири ўрганилади;<br>- комплекс препаратларни тут ипак куртининг биологик ва технологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганилади;<br>- энг самарали препаратларни комбинацияларини аниқлаб, янги комплекс препаратини яратилади;<br>- яратилган комплекс препарат ишлаб чиқаришда синалади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижасида республикадаги уруғчилик корхоналари ва наслчилик станциялари учун тут ипак куртининг юқумли касалликларидан зарарсизлантириш мақсадида, ипак курти тухумларига ишлов берувчи комплекс препарати яратилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,5 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,5 млрд сўм** |

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,0 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

**Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Шўрланган қишлоқ хўжалиги ерларининг геоахборот маълумотлар базасини яратиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Шўрланган қишлоқ хўжалиги ерларининг геоахборот маълумотлар базасини яратиш ва шўрланиш типига кўра камайтириш бўйича технология яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий-тадқиқот натижалари:**<br>- қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган турли шўрланиш типи яъни хлоридли, сульфат-хлоридли, хлорид-сульфатли; сульфатли, карбонат-сульфатли, шўрланишга кўра шўрланган тупроқлар геоахборот базаси яратилади;<br>- турлича шўрланиш типига эга тупроқларда тажрибалар ўтказилиб, шўрланиш типларига мақбул таъсир этувчи технологиялар яратилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижасида яратилган шўрланган майдонларининг умумий геоахборот базаси яратилиб, доимий тарзда янгилаб борилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,5 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,5 млрд сўм** |

****Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,5 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.***

**Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Ирригация каналларини томчилатиб суғориш тизимига мослаштириш технологиясини яратиш   | **Тадқиқот шакли:** Ирригация каналларини томчилатиб суғориш тизимига мослаштириш технологиясини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- ирригация каналларини томчилатиб суғориш тизимига мослаштириш бўйича илмий ва технологик асослар ишлаб чиқилади;<br>- ишланмалар амалиётга тадбиқ қилиниши натижасида томчилатиб суғориш тизимига сув етказиб берадиган ирригация каналларида беҳуда сарфланадиган сув ресурсларининг 5 фоизга қадар иқтисод қилинишига эришилади;<br>- ирригация каналларидан фойдаланиш тартибини томчилатиб суғориш тизимига мослаштириш технологияси яратилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари республикадаги сув хўжалиги тизимида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,8 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,8 млрд сўм** |

****Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 2,4 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.***

**Бажарилиши бир йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| **“Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” йўналиши бўйича** | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий<br>лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Тиллабош – *Centaurium* L. ўсимлигининг доривор турларини маданийлаштириш ва плантацияларини барпо этиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Тиллабош – *Centaurium* L. ўсимлигининг доривор турларини маданийлаштириш ва плантацияларини барпо этиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:** Ишлаб чиқилган агротехник тадбирларни *Centaurium* L. ўсимлиги авлодининг доривор турларига қўллаш натижасида:<br>- тиллабош – *Centaurium* L. ўсимлиги маҳаллий шароитда кўпайтирилади ва етиштириш технологияси ишлаб чиқилади;<br>- ўсимлик уруғларининг унувчанлиги лаборатория ва дала шароитида аниқланади;<br>- ўсимлик хом ашёсининг фитокимёвий таркиби, сифат кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигига ишлаб чиқилган технологиянинг таъсирини мониторинг қилинади;<br>- Ўзбекистонга импорт йўли билан кириб келадиган ўсимлик маҳсулоти ва дори шакллари учун маҳаллий хом ашё базаси яратилади;<br>- Тиллабош – *Centaurium* L. ўсимлигининг доривор турлари маданийлаштирилади ва плантациялари барпо этилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштирилган ўрмон ва фермер хўжаликларида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,5 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,5 млрд сўм** |

***Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,5 млрд сўм ва бажарилиши бир йилга мўлжалланган.**